



ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимиз стандартлаштириш соҳасини ислоҳ қилиш ва замонавий ёндашувларни жорий қилиш мақсадида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ташкил этилган эди.

Сўнги йилларда 12 мингта стандарт қабул қилинди, 400 турдаги махсулотларни синовдан ўтказиш йўлга қўйилди. Натижада 40 та янги экспорт бозорига чиқилди.

Шу билан бирга, охириги етти йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2,5 баробарга ошиб, 63 миллиард долларга етди. Бу йил ҳам экспортни 1,5 баробарга кўпайтириб, 25 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, истиқболда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш мақсад қилинган.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги техник тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг экспортга кўмаклашиш ва ички бозорни сифатсиз товарлардан ҳимоя қилишдаги иштирокини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга.

Миллий сертификатлар чет элда тан олинishi учун тизимли ишлаш, Миллий эталонлар базасини тўлдириш орқали хорижда мамлакатимиз лабораторияларининг синов натижаларига ишончини ошириш, хозирги кунда энг зарур бўлган техник регламентларнинг мавжудлигини халқаро талабларга мослаштириш ва янгиликларини ишлаб чиқиш зарур.

Стандартлаштириш соҳасидаги 6 та ахборот тизими ва 2 та портални ўзаро интеграция қилиш, ваазирлик ва идораларнинг стандарт соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш, соҳавий техник кўмакталар фаолиятини жонлантириш керак.

Тақдимотда соҳа олдида турган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган тақлифлар кўриб чиқилди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги Хукумат буй-сунувига ўтказилиши белгиланди.

Экспортчиларга кўмакчи бўлиб, миллий сертификатлар хорижий давлатларда тан олинishi бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш, сифатсиз мах-

сулотлар импортнинг олдини олиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битим талабларини амалиётга жорий этиш агентликнинг асосий вазифалари сифатида белгиланади.

Шунингдек, агентлик соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини оширишга бевосита масъул бўлади, аҳоли ва тадбиркорлар билан ишлашда шаффоликни таъминлаш учун соҳани тўлиқ рақамлаштиради.

Жорий йилда ривожланган давлатлар билан синов натижаларини икки томонлама тан олиш бўйича келишувларга эришиш ишларини давом эттириб, 1,2 мингта корхоналарда халқаро сифат тизимларини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, техник регламентлар билан қамраб олинган махсулотлар турини кўпайтириш, амалдаги 19 та техник регламентни қайта кўриб чиқиш ва янгилаш, эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчам воситаларини жорий қилиш ишларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Жаҳон савдо ташкилоти билан самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида агентлик тузилмасида Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот марказини ишга тушириш тақлиф қилинди.

Кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида хорижий консултантларни жалб қилиш ва тармоқларда стандартга масъул кадрларни ўқитиш кераклиги айтилди. Соҳани рақамлаштириш мақсадида "Техник тартибга солиш" ягона электрон ахборот тизими ишга туширилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу тақлифларни маъқуллаб, жойларга чиқиб, тадбиркорлар билан учрашиш, уларнинг стандарт соҳасидаги муаммо ва тақлифларини ўрганиш муҳимлигини таъкидлади ҳамда мутасаддиларга қайси стандартларни ишлаб чиқиш ёки қай-ерда лабораториялар ташкил қилишга оид аниқ режаларни белгилаб, ижросини таъминлаш бўйича топшириқ берди. **Ў.А.**

Талабалар учун турар жой қурилди



Самарқанд шаҳрида "Ипак йўли" халқаро туризм ва маданий мерос университети талабалар турар жойини фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йилда ташкил этилган университетда ҳозир 16 бакалаврият таълим йўналиши ва 6 магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Уч минг нафарга яқин талабанин 800 нафарга яқини кундузги таълим шаклида тахсил олади. Университет ўқув биноси замон талабига тўла жавоб беради ва бу ерда талабалар учун барча зарур шароит яратилган. Лекин шу пайтгача талабалар турар жойи мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги "Республиканин туризм салоҳиятини жа-

дал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган 2023 йилда туризм соҳасидаги ресурслар ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳамда мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича тузилган "Йўл харитаси" асосида 400 ўринли талабалар турар жойи ташкил этилди.

– Талабалар турар жойи давлат-хусусий шерикчилик асосида "З-П-А" оилавий корхонаси томонидан бунёд этилди, – дейди университетнинг режа-молия бўлими етакчи мутахассиси Алишер Шамсиддинов. – Лойиҳанин умумий қиймати 25,4 миллиард сўм бўлиб, шундан 12 миллиард сўм давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса хусусий шерик ҳиссасига тўғри келади. Шартномага мувофиқ, ўттиз йилдан сўнг мазкур талабалар турар жойи тўлиқ университет ҳисобига ўтади.

Бу ерда хорижий ва маҳаллий талабалар учун кенг қулайлик ва имкониятлар мавжуд. Спорт тўғрақлари,

кутубхона фаолияти йўлга қўйилди, ётоқхона ҳовлисида бoғ барпо қилинди.

– Айти пайтда университетнинг гид-хамроқлиги тар-жимонлик фаолияти йўналишида тахсил оламан, – деди жиззахлик талаба Сурайё Маъмирова ЎЗА муҳбири Ғолиб Ҳасанова. – Шу пайтгача хонадонларда ижарада турардик. Ойига 400 минг сўмдан пул тўлаб битта хонада ўн киши яшаган вақтларимиз бўлди. На дам оласиз, на дарс қи-ласиз. Талабалар турар жойи жуда маъқул келди. Ойлик тўлов 340 минг сўм, битта хона тўрт кишига мўлжалланган, барча зарур шароитлар бор экан. Ўқиш жойимизга битта авто-бусда бoриб келамиз. Биз учун ҳар томонлама қулай бўлди.

Талабалар турар жойи очилишига бағишланган тад-бирда университет ректори – Ўзбекистон экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ва-зирини А. Абдуҳақимов ва айти пайтда Самарқандда давом этаятган COP14 халқаро конференцияни иштирокчилар-и қатнашди.

Йўлларимиз равон ва янада обод бўлади

Мирзохиджон НУРМАТОВ, Андижон вилояти автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи.

Президентимиз жорий йил 15-16 февраль кунлари Андижон вилоятига ташрифи доирасида Хонобод шаҳрида вилоят фаоллари билан йиғилиш ўтказди.



Унда Андижонда 4,5 минг километр янги йўллар қуриш бўйича уч йиллик дастур қабул қилинганлиги, шунингдек, мавжуд 700 километр йўл бўйини 10 йилгача аҳолига бўлиб бериб, дароҳт экиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берди.

Ҳар бир ҳудуднинг қиёфасига кўрк бағишловчи жиҳат ўша ҳудуднинг йўл-лари ҳисобланади. Кейинги йилларда вилоятимизда барча соҳаларда бўлган каби йўллар қуриш, мавжуд йўлларни таъмирлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Айти кунда Андижон вилояти-да 13 минг 346 километр автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 2 минг 463 километри умумий фойдаланишда-ги автомобиль, 10 минг 883 километри ички йўлларни ташкил этади. Ана шу йўлларнинг ҳолати ва сифатини яхши-лаш борасида зарур ишлар олиб бoрил-моқда.

Биргина ўтган 2023 йилда вилоятда 1 минг 628,9 километр йўл таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, ички йўлларнинг 1 минг 52,2 километ-рига асфальт, 84,3 километрига це-мент-бетон қопламаси, 78,8 километри-га шағал ётқизилди. Умуман, ўтган йили йўллар қуриш, таъмирлаш борасидаги ишлар 2022 йилга нисбатан 2,5 баро-барга ортган.

Биз йўлсозлар ташрифи доирасида давлатимиз раҳбари томонидан вилоя-тимиздаги мавжуд йўллар ҳолати ва инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг эркин ҳара-катланиши учун қулайликлар яратиш, янги-янги йўллар қуриш бўйича белги-лаб берилган ишларни амалга ошириш учун бор имкониятларимизни ишга со-ламиз.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар самараси-да вилоятимиз йўллари кенг, равон ва янада обод бўлади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

26 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгазининг кенгайтирилган йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан ахборот берилди.

Мудофаа вазирининг қўйилган вазифалар бажарилиши ва қўшинларнинг жанговар шайлигини ҳамда қобилиятини ошириш, уларни замона-вий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлаш, сержантлар корпу-сининг фаолиятини такомиллаштириш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича олиб бoрилаётган ишлар ҳақида ҳисоботи тингланди.

Хусусан, қисқа вақт ичда қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш ва ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш, ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларда ин-тизомни мустаҳкамлашга доир нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомил-лаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Қўшинлар фаолиятини рақамлашти-

риш вазифаларига алоҳида эътибор қар-ратилди. Қўшинларни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизим-ларини бoсқичма-бoсқич жорий этиш ҳамда алоҳа тизимини такомиллашти-риш бўйича қўрилаётган чора-тадбир-лар қайд этилди.

Қуролли Кучлар тузилмасини тако-миллаштириш, миллий армияни замо-навий қурол-аслаҳалар ва ҳарбий-тех-ник воситалар билан таъминлаш ҳамда мудофаа санoати комплексини ривож-лантириш зарурлиги таъкидланди.

Яқунда давлатимиз раҳбари томони-дан Қуролли Кучлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва мамлакатнинг му-дофаа қобилиятини ошириш юзасидан қўшимча топшириқлар берилди. **Ў.А.**

ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИ БИЛАН ТАНИШИНГ!



Сўнги йилларда қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технология-лари жорий этилиб, деярли барча йўналишдаги ишлар электрон кўринишда амалга оширилмоқда. Хусусан, қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолияти са-марадорлиги ҳамда натижадорлигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш мақ-садида лoйиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоб-лаш ҳамда юриштиш тартиби жорий этилган.

Газетанин ушбу сонида ҳудудлар кетма-кетлигида берилган қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини билан танишингиз мумкин.

QURILISH-PUDRAT TASHKILOTLARI REYTINGI

Table with 5 columns: №, NOMI, INN, REYTING, and a list of construction companies and their ratings.

Table with 5 columns: №, NOMI, INN, REYTING, and a list of construction companies and their ratings.

Table with 5 columns: №, NOMI, INN, REYTING, and a list of construction companies and their ratings.

Table with 5 columns: №, NOMI, INN, REYTING, and a list of construction companies and their ratings.

Table with 5 columns: №, NOMI, INN, REYTING, and a list of construction companies and their ratings.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

Республика Узбекистан
Сектор: Сельское развитие
Закупка работ
Номер контрактов: SRDP-KR-W-01, SRDP-KR-W-02, SRDP-KR-W-03
Номер кредита: UZB-1023

Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности

1. Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта "Устойчивое развитие сельской местности" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующим контрактам в Республике Каракалпакстан:

SRDP-KR-W-01 - строительство дошкольных образовательных учреждений (ДОУ) в Тахияташском, Элликалинском, Берунийском, Амударыньском и Нукуском районах Республики Каракалпакстан;

SRDP-KR-W-01 Лот 1 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Найманкул", "Нури келажак" Тахияташского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 2 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Ойдин йул", "Кусшилик" Тахияташского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 3 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Урнак" Нукуского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 4 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Сарабий" Элликалинского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 5 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Пахтачи", "Чупон" Элликалинского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 6 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Шимон" Берунийского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 7 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ имени Абая, "Дустлик" Берунийского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 8 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Фаровон", "Олмазор", "Арна буйи" Амударыньского района;

SRDP-KR-W-01 Лот 9 - строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ "Анхорли" Турткульского района;

SRDP-KR-W-02 - строительство СВП в МСГ "Тош ён" Амударыньского, "Оби хаёт" Берунийского и "Шуркул" Нукуского районов Республики Каракалпакстан;

SRDP-KR-W-03 - строительство школ, ДОУ и центров бытового обслуживания в Тахияташском районе;

SRDP-KR-W-03 Лот 1 - строительство среднеобразовательной школы в МСГ "Айтишқули" в Тахияташском районе;

SRDP-KR-W-03 Лот 2 - строительство среднеобразовательной школы ДОУ и махаллинского центра бытового обслуживания в МСГ "Кенегес" в Тахияташском районе;

SRDP-KR-W-03 Лот 3 - строительство махаллинского центра бытового обслуживания в МСГ "Найманкул" в Тахияташском районе;

SRDP-KR-W-03 Лот 4 - строительство среднеобразовательной школы в МСГ "Нури келажак" (село "Шор") в Тахияташском районе.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР, опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18-21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики

и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет 100,0 долларов США или в узбекских сумах по курсу Центрального банка Республики Узбекистан на день оплаты. Способ оплаты - банковский перевод на нижеуказанный счет.

Table with 2 columns: Field name (e.g., Получатель, Адрес и телефоны получателя) and corresponding details for the tender.

4. Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии в узбекских сумах или в эквиваленте свободно конвертируемой валюты, в следующих размерах:

- SRDP-KR-W-01 Лот 1 - 118 000 000,0 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 2 - 118 000 000 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 3 - 63 500 000,0 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 4 - 123 000 000,0 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 5 - 108 000 000,0 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 6 - 110 500 000,0 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 7 - 108 000 000,0 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 8 - 186 000 000,0 сум;
SRDP-KR-W-01 Лот 9 - 55 000 000,0 сум;
SRDP-KR-W-02 - 106 000 000 сум;
SRDP-KR-W-03 Лот 1 - 96 000 000,0 сум;
SRDP-KR-W-03 Лот 2 - 126 500 000,0 сум;
SRDP-KR-W-03 Лот 3 - 44 500 000,0 сум.

Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу: На имя: г-на З. Ураков, Директора ОГРП. Адрес: 100035, Республика Узбекистан, город Ташкент, улица Чиланзар, 4. Этаж/комната: 5/№505. Телефон: (99871) 207-84-07. Электронная почта: assistant@uzrd.uz Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 14.00 (по ташкентскому времени) 28 марта 2024 г., когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. Вскрытие пакетов состоится в 14.10 (по ташкентскому времени) 28 марта 2024 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (5-этаж) по адресу: г. Ташкент, ул. Чиланзар, 4.

"Дон-халқ ризқи" АЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан жамиятнинг 2023 йил якуни муносабати билан ўтказилган акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилиши 2024 йил 15 март куни соат 11.00 дан бошлаб жамият мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- 1. Кузатув кенгашининг 2023 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти яқули ва 2023 йилга мўлжалланган бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида бошқарув раиси ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти бўйича таъшиқ аудиторилик ташиқоти тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2023 йил яқули бўйича молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини кўриб чиқиш.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори ижроси тўғрисида бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг 2023 йил яқули бўйича ҳисоботи тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини мушқил ташкилот томонидан ўтказилган баҳолаш ҳулосасини кўриб чиқиш.
7. Жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олган фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
10. Жамият бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.
11. Жамиятнинг 2024 йилги фаолиятининг мажбурий аудиторилик текширувини ўтказиш учун аудиторилик ташкилотини белгилаш.
12. Жамият омборида қолдиқда турган аралаш озуқа маҳсулотини айланма маблағни тиклаш ҳамда моддий зарар етказишни ҳолатларини олдини олиш мақсадида ўз таннархида сотиш чораларини кўриш.
13. Жамият "Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида" ги Низомининг тегишли бандларига ўзгартиришлар киритиш.

Жамият манзили: Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 11-а" уй.
Мурожаат учун телефон: 75-522-02-69, 75-522-73-04.

